

**Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг масофавий ўқув, ўқув-услугий,
илмий ва маънавий-маърифий фаолияти бўйича ҳисоботи**

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалида 2019/2020 ўқув йилида 11 та кафедрада 89.5 иш ўрнида 119 нафар профессор-ўқитувчилар 740 нафар талабаларга дарс машғулотларини олиб бормоқдалар. Талабалар контингенти қуйидагича:

2019/2020 ўқув йили бошида		2019/2020 ўқув йили 2-ярмида	
Йўналиш	Талаба сони	Йўналиш	Талаба сони
Тиббий профилактика иши	294	Тиббий профилактика иши	328
Олий ҳамширалик иши	79	Олий ҳамширалик иши	80
Даволаш иши	93	Даволаш иши	1284
Биотиббиёт муҳандислиги	25	Биотиббиёт муҳандислиги	26
Касб таълими: тиббий педагогик иш	104	Касб таълими: тиббий педагогик иш	111
Қўшма дастур асосида			
Стоматология	50	Стоматология	50
Даволаш иши	49	Даволаш иши	49
Педиатрия	46	Педиатрия	46
Филиал бўйича жами	740	Филиал бўйича жами	1974

Ўзбекистон Республикаси Давлат қабул комиссиясининг 2020 йил 28 февралдаги 13-сон баёни ва 23 апрелдаги 14-сон баёни билан филиалга қўшни давлатлардан 1235 нафар талабалар ўқишини кўчиришга руҳсат берилган. Натижада талабалар сони 1974 нафарга етди.

Тошкент Тиббиёт Академияси Фарғона филиали директорининг “Битирувчи курс талабаларини Якуний Давлат Аттестациясига қўйиш ҳақидаги” 2020 йил 14 апрелдаги тиббий профилактика иши йўналиши учун № 32-Т сонли, касб таълими: Тиббий педагогика иши йўналиши бўйича № 33-Т буйруқ ижросига мувофиқ Якуний давлат аттестациясига қўйилувчи талабалар рўйхати тасдиқланди. 16 апрел 2020 йили Якуний Давлат Аттестацияси Zoom дастури орқали онлайн (масофавий) ўтказилди. Битирувчи талабаларга шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир талабага

- 1-савол назарий савол (мутахассислик фанидан)
- 2-савол вазиятли масала (мутахассислик фанидан)
- 3-савол Ўзбекистон тарихи фанидан
- 4- савол Касб таълими: Тиббий педагогик иш таълим йўналиши талабалари учун Педогогика ва психология фанидан савол берилди.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали директорининг “Битирувчи курс талабаларига ихтисослик бериш хақидаги” 2020 йил 18 апрелдаги:

- № 38-Т сонли буйруқ ижросига мувофиқ тиббий профилактика иши йўналиши учун “Врач гигиенист, эпидемиолог”
- № 39-Т буйруқ ижросига мувофиқ касб таълими: Тиббий педагогика иши йўналиши бўйича “Умумий амалиёт шифокори, педагог” ихтисосликлар берилди ва талабалар иш билан таъминланди.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 27 мартдаги “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги 233-сонли буйруғи бўйича Ахборот технологиялари маркази ва ўқув бўлими томонидан филиалнинг масофавий таълим портали www.moodle.ttaff.uz тизими филиалдаги махсус серверга кўчирилди ва ишчи ҳолатга келтирилди. Тизимга барча талабалар ва 83 нафар профессор-ўқитувчилар бириктирилди. 109 та фандан маълумотлар ўзбек ва рус тилларида жойлаштирилди.

Талабаларга ўқитувчилар томонидан масофавий тарзда дарс машғулоти олиб борилмоқда. Талабалар томонидан берилган саволларга ўз вақтида жавоблар берилмоқда. Ҳар бир фан бўйича оралик ва якуний назорат графиклари тузилиб талабалар эътиборига етказилди ва ўз вақтида назоратлар ўтказилмоқда. Маъруза машғулоти презентация, видеодарслар кўринишида олиб борилмоқда. Видеомаърузалар youtube.com сайтига жойлаштирилган ва тизимда ортиқча юклама бўлмаслиги учун ҳаволалари бириктирилган. Оралик ва якуний назоратлар тест шаклида ўтказилмоқда.

Филиал Ахборот ресурс марказида китоб фонди 32772 тани ташкил этади. 7280 та дарслик электрон форматга ўтказилган. Электрон китоблар сервер компьютерга кўчирилган бўлиб, moodle тизимида ҳаволалари бириктириб қўйилди.

2019/2020 ўқув йилида 421997 минг сўмлик 2464 дона дарсликлар сотиб олинди.

ИЛМИЙ ИШЛАР

Филиал профессор-ўқитувчилари томонидан 2019-2020 йиллар мобайнида 4 та ўқув қўлланма, 7 та монография, халқаро журналларда 37 та (5 таси Скопус базасида), Республика журналларида 41 та илмий мақолалар, халқаро конференцияларда 69 та, Республика конференцияларида 234 та, маҳаллий конференцияларда 210 та тезислар чоп этилди. Интеллектуал мулк агентлигидан 10 та муаллифлик гувоҳномаси олинди.

2019/2020 ўқув йили мобайнида филиалда 1 та 09.00.03 – Фалсафа тарихи – ихтисослиги бўйича “Хожамназар Хувайдо диний мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривожигаги ўрни” мавзусида Рўздатзода Қодиркул DSc, 14.00.07 – Гигиена – ихтисослиги бўйича “Пойабзал ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат шароитларини оптималлаштириш” мавзусида Болтабоев Улуғбек Абдусалом ўғли, 14.00.21-Стоматология, 14.00.33 – Жамият саломатлиги. Соғлиқни сақлашда менежмент – ихтисосликлари бўйича «Юз ва жағларнинг кўшма жароҳатларида шошилиш тиббий ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш» мавзусида Умаров Одил Махмудович, 03.00.01 – Биокимё –

ихтисослиги бўйича “Жигар монооксигенез тизими ва организмнинг тиреоид статуси орасидаги ўзаро боғлиқлик (экспериментал тадқиқот)” мавзусида Расулова Моҳидил Турсуналиевналар PhD диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

2020 йил 20 май куни Республика миқёсида “Тиббиёт ва таълим сифатини оширишда инновацияларнинг ўрни” мавзусидаги конференция хорижий ҳамкорлар билан ўтказилди. Бунда Белоруссия, Россия, Озарбайжон давлатлари тиббиёт университетлари вакиллари ўз маърузалари билан қатнашдилар.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида 2019 йилнинг 19 март куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида ёшларга бўлган эътиборни янада кучайтириш, уларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, юртимиз ёшлари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, давлатимиз раҳбари томонидан беш муҳим ташаббус илгари сурилган эди. Ушбу ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида, ТТАФФ да 5 муҳим ташаббус бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ушбу режа асосида йил давомида 1 ташаббус бўйича 23 та, 2 ташаббус бўйича 30 та, 3 ташаббус бўйича 18 та, 4 ташаббус бўйича 20 та, 5 ташаббус 15 та жами 100дан ортиқ тадбирлар ташкил этилди. Шулар жумласи Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан ўтказилган тадбирлар, “Талабалikka бағишлов” тадбири, “ҚВЗ”, “Заковат” интеллектуал ўйинлари, турли хил спорт тадбирлари, китобхонликка оид тадбирлар мисол бўла олади.

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ФАРҒОНА ФИЛИАЛИНИНГ МОДДИЙ ТЕХНИК БАЗАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан 2 та “Физиология, патологик физиология ва клиник анатомия” ва “Микробиология, вирусология” ўқув лаборатория жиҳозлари олиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида кенгайтирилган тарзда ўтказилган 19-сонли Мажлис баёни ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари томонидан 2019 йил 22 май №11700-хх сонли Кўрсатмасининг 88-бандида Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали ўқув бинолари ва талабалар ошхонасини капитал таъмирлаш мақсадида 2019 йилда лойиҳа смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва 2020 йилги Инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўрсатиб ўтилган. “Royal Design Loyiha” лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа смета ҳужжатлари тайёрланиб, “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонасининг Фарғона вилоят филиали томонидан 2019 йил 18 ноябрдаги 838-сонли экспертиза хулосаси олинди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббиёт қурилиш давлат унитар корхонасига тақдим этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 январдаги ПҚ-4565-сонли “2020-2022 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан филиалга 16,4 млрд. сўмлик ўқув биноси ва талабалар ошхонасини реконструкция қилиш учун маблағ ажратилди. Ҳозирда қурилиш ишларини бошлаш кутилмоқда.